# ТАРҒИБОТ ТАДБИРЛАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

 “Янги Ўзбекистон–инсон қадри улуғланган юрт” шиори остидиги маънавий-маърифий тадбирлар бугун шаҳардаги Мусиқали мақом театри ҳамда 10-сонли болалар мусиқа ва санъат мактабида давом этди.
 Ушбу тарғибот тадбирларида ҳамшаҳарларимиз элимиз ардоғидаги таниқли санъатеорлар Теша Мўминов, соҳирнафас санъаткорлар Замира Суюнова, Мурод Иброхимов, Хотамжон  Хакимжонов, Шохрухмирзо Ғаниев, Роза Ражабова, Алишер Рўзметов ҳамда  Раҳимбой Жуманиёзовлар билан дилдан самимий суҳбат қуриб дилрабо куй-қўшиқлар оғушида маданий ҳордиқ олдилар.

2022-06-01 14:56:31